

Халқаро илмий-техник анжуман ташкил этилди



24 ноябрь куни Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида "Йўл транспорти ва муҳандислик коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-техникавий анжуман очилди.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси раиси А.Абдувалиев, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ректори О.Рискулов ва бошқалар сўзга чиқишиб, бугунги кунда йўл транспорти ва муҳандислик коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича ўз фикрларини билдириб ўтишди.



Анжуманда Европа ҳамда МДХ олий ўқув юртларидан 30 дан ортиқ меҳмонлар иштирок этишди. Тадбир жараёнида Корея Республикаси, Руминия, Россия Федерацияси ва Белоруссия давлатлари университетлари билан ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Шу билан бирга Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти – Халқаро автомобиль йўллари таълими ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди.

Автомобиль йўллари давлат кўмитаси

матбуот хизмати